

USE OF WATER FACILITIES IN THE DESIGN OF LANDSCAPE DESIGN FACILITIES

Rakhmatova Mehriniso Murodovna,

Teacher of "Landscape design and interior" department of SamDAKI; Tel: +998975771933

Hakberdieva Sagina Shomurod kyzy,

Student of the 402-design (interior) group of the "Architecture" faculty of SamDAKI; Tel:
+998946706967

Annotation:

The article discusses the requirements for modern water facilities, modern trends in the design and construction of water facilities, the design of hydroparks and water parks. And at the end of the article the final conclusions and concepts are given.

Calculations: dry curtain, Hydro Park, hydro carousel, wellness, dry wheel, dry attraction.

Кириш

Ҳаётимизнинг энг муҳим табиий бойликларидан бири бўлмиш сув ресурсидан унумли фойдаланиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Сув қурилмаларини лойиҳалаш жараёнида сувдан унумли фойдаланиш чора-тадбирлари кўриб чиқилиши зарур. Сув қурилмаларини республикамизнинг деярли барча жойларида қўллаш мумкин. Жумладан, аҳоли яшаш пунктлари ҳудудларида, боғ-парклар, истироҳат боғлари, аквапарклар, жамоат бинолари ва ўқув муассасаларида, спорт, саноат корхоналарида, болалар боғчаларида, интерерларда ва ҳ.к.ларда.

1. Сув қурилмаларига қўйиладиган экологик, муҳандислик, техник – иқтисодий ва меъморий талаблар

Сув қурилмаларини лойиҳалашга бир нечта талаблар қўйилган бўлиб, уларнинг асосийлари экологик, муҳандислик, техник-иқтисодий ва меъморий талаблардир. Сув қурилмаларига қўйиладиган экологик талаблар ушбу қурилмаларнинг иложи борица маҳаллий, экологик тоза қурилиш материалларидан ишланишини, қурилмаларнинг атроф-муҳит экологик ҳолатига ва улардан фойдаланадиган инсонлар соғлигига салбий таъсир кўрсатмаслигини таъминлашга қаратилгандир. Бунда сув қурилмаларининг узоқ муддат давомида чидамлилиги, умрбоқийлиги каби жиҳатлар ҳам ҳисобга олиниши зарур.

Сув қурилмаларини лойиҳалашга қўйиладиган муҳандислик талабларига ушбу қурилмаларнинг қурилишидаги муҳандислик имкониятлари, конструкцияларининг мустаҳкамлиги, намликка, совуққа ва иссиққа ҳамда бошқа турли хил техноген таъсирларга чидамлилиги, уларни қуриш жараёнидаги қулайлиги каби талаблар киради.

Техник-иқтисодий талаблар сув қурилмаларини қуришдаги тежамкорлик, маҳаллий ишлаб чиқариш материаллари ва ашёларидан фойдаланиш, ҳамда қурилган сув қурилмаларининг техник имкониятларини ошириш каби талабни қамраб олади.

Сув қурилмаларини лойиҳалашга қўйиладиган меъморий талабларга ушбу қурилмаларнинг бадиий-меъморий жиҳатлардан юқори савияда ишланиши, композициявий жозибador ечимларга эга бўлишлиги, замонавий эстетик талабларга жавоб бериши кўзда тутилади[1].

2. Сув қурилмаларини лойиҳалаш ва қуришнинг истиқболли йўналишлари

Шаҳарларнинг ландшафт дизайнини лойиҳалашда сув тизимини шакллантириш. Урбанизация жараёнлари ўсиши билан биноларнинг кўпайиши, жойлашиш зичлиги, инсоният шаҳарларда экологик вазиятларнинг ўзгаришини, табиат билан биргаликда бинолар ландшафтини уйғунлаштириш зарурлигини, яшаш муҳитининг урбанизация ва таркибий қисмларининг оқилона комбинациясини англаб етмоқда.

Шаҳар атроф-муҳитини яхшилаш мақсадида турар-жойларнинг сув-яшил тизимлари, шу жумладан, кўкаламзорлар ва сув қурилмалари шакллантирилмоқда. Турар-жой бинолари олдида кўкаламлаштирилган дам олиш жойлари, шаҳар ичида сув-соғломлаштириш марказлари, инсонлар учун ҳар томонлама фойдали бўлган сувли муҳитни яратиш бугунги кунда катта аҳамияга эга. Сув қурилмаларини лойиҳалаш ва қуришнинг истиқболли йўналишларини яратиш барча талабларга жавоб бера олиши керак. Айниқса, шовқинни камайтирувчи, ҳавони юқори даражада ифлосланишига қарши восита сифатида, кўп қаватли бинолар, саноат бинолари жойлашган ҳудудларда катта аҳамиятга эга[2].

Сув қурилмаларини шакллантириш ҳам шаҳарнинг архитектуравий-бадий кўринишини ифодалашни кучайтириш воситасидир. Меъморий ансамблларга, катта биноларга кириш қисмлари атрофидаги яшил майдонларда, муҳитнинг панорамик кўриниши учун, ландшафт лойиҳалашда, яшил муҳитларни режалаштиришда сув қурилмалари ҳисобга олиниши керак бўлган асосий талаблардир. Шунингдек, сув қурилмалари лойиҳалашнинг таркибий қисмларига киритилиши сув қурилмаларини яратиш ва лойиҳалашнинг янги йўналишларини яратишга ёрдам беради.


Сув қурилмаларидан функционал ва муҳитни тартибга солишда фойдаланиш. Анъанага кўра, одамларнинг оммавий ташриф буюрадиган жойларида сув қурилмалари жойлаштирилади. Сунъий сув қурилмалари майсазорлар, гуллар, безакли ўсимликларни суғоришда, ҳамда, фаввора, шаршара, каскадлардан экстерьерни безатишда қўлланилади. Фаввора ва бошқа қурилмалар атроф-муҳитнинг микроклим хусусиятларини яхшилашга хизмат қилади.

Жойларни танлашда, шаҳар марказларини, турар-жойларни, ландшафтларни ва рекреацион жойларни режалаштириш ва қуришда табиий сув объектлари мавжудлиги ҳисобга олинади. Табиий сув ҳавзалари мавжуд бўлмаганда сунъий қурилмалар қурилади.

Сунъий сув қурилмаларини яратиш натижасида ҳар қандай бино муҳитининг экологик барқарорлигини ошириш, унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш, ҳавонинг намлигинин тартибга солиш, ўсимликларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратиш имконияти ҳосил бўлади.



1-расм. Аквапаркнинг умумий кўриниши(Тошкент).



2-расм. Бассейннинг конструктив ва схематик тузилиши

Сув қурилмаларининг декоратив ва бадиий хоссалари, статик ва динамик ҳолатдаги сувнинг визуал ва товуш хусусиятларидан фойдаланиш бой имкониятларни очади. Архитектурада сувнинг акс тасвири хусусияти кенг қўлланилади. Баҳор ва ёз фаслларида аҳоли дам оладиган ҳудудларда жойлашган сув ҳавзаларида сувнинг чуқурлиги камида 1,5 метр бўлган ҳолда қурилиши керак. [3]

2.1. Гидропарк ва аквапаркларни лойиҳалаш.

Гидропарклар, аквапарклар спорт соғломлаштириш ва сув атрофида дам олиш вазифасини бажаради. Уларнинг ташқи кўриниши очиқ сув ҳавзалари ва ангарлардаги парусли ва моторли қайиқлар учун гаванлар, ёпиқ ва очиқ бассейнлар, ўзига хос сув аттракционлари, гидрокаруселлар, сув трамплинлари (табаганлар), сузиб юрадиган саҳна майдончалари, ресторанлар, кўприклар ва арқон йўллари каби иншоотлар билан белгиланади. Ўзбекистоннинг иссиқ қуруқ иқлими шароитида бу парклар энг мақсадга мувофиқдир.

Бизга маълумки, ҳар бир бино ўзининг функциясидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос ташқи кўринишига эга. Ҳар ҳолда бу аквапаркларга тааллуқли. Аквапаркларни лойиҳалашда намунавий лойиҳа деган тушунча йўқ. Ҳар бир аквапарк ўзи жойлашган ҳудуднинг анъаналари, ўзига хос урф-одатларини ўзида ифода этган такрорланмас меъморий кўринишга эга бўлади. Аквапаркнинг такрорланмас кўриниши унинг хизмат кўрсатиш доирасида танилишига ва ўзига хос ўрин эгаллашига ёрдам беради.

Аквапаркларни лойиҳалашнинг расмий типологияси бугунги кунда ишлаб чиқилмаган. Лекин бугун биз шуни шоҳиди бўлиб турибмизки, дунё архитекторлари кўп қиррали пирамида, гумбаз ёки ярим айлана шаклдаги ёпиқ ва ярим ёпиқ шаклдаги аквапаркларни лойиҳалаб келишяпти. Аквапаркнинг ташқи кўриниши ҳақида фикр юритаётганда унинг меъморий ечими аквапаркнинг тўғридан тўғри – кўнгилочар марказ вазифасидан ташқари функционал қирраларининг ҳам оширилишига қаратилиши керак. Бугунги кунда аквапарклар қуйидаги хизматларни кўрсатишади: 1) сувли тоғчалар; 2) ҳаммомларнинг турли хил кўринишлари; 3) СПА салонлар; 4) фитнес; 5) веллнесс ва бошқа соғломлаштириш хизматлари. Умумий қилиб айтганда, бугунги кундаги замонавий аквапарк-кўпфункционали, соғломлаштириш ва кўнгилочар, замонавий сервис хизмат тизими жойлашган мажмуадир. Унинг меъморий ечими аквапаркнинг ички функциясини ўзида акс эттириши лозим.

Аквапарклар қурилиши мураккаб техник жараён ҳисобланади. Шунинг учун ушбу лойиҳада муҳандислик қисмига катта эътибор берилади. Муҳандисларга аквапарк лойиҳасида мураккаб конструктив ечимли катта қадамларга мўлжалланган ораёпмалар, қобиқли ҳажмий-фазовий ечимга эга фазони ёпиш, консолли қаватлар, сунъий ғор ва қояларни лойиҳалаш каби аниқ муҳандислик ҳисобларига асосланган ишчи лойиҳалар амалга оширилади[4].

Хулоса

1. Азал-азалдан инсонларда дам олиш ва маданий ҳордиқ чиқариш эҳтиёжи пайдо бўлгач, уларни қондириш йўллари излаб топишга ҳаракат қилинган. Иссиқ иқлимли мамлакатларда бу эҳтиёж боғ-парк санъатини яратишга олиб келган. Бу санъат эса ўз-ўзидан, энг аввало, сув қурилмалари тизимини шакллантиришга сабаб бўлган. Бу тизим ўз ичига каналлар, ариқлар, ҳовузлар, шаршаралар, кейинчалик эса фавворалар, бассейнлар, қўллар ва прудларнинг яратилишини таъминлаган.

2. Сув қурилмаларининг турли мамлакатлардаги ривож турли даврларда турлича кечган бўлсада, уларнинг шаклланиши ҳамма вақт жойлардаги табиий-иқлим шароитларга, ижтимоий-иқтисодий, маъданий, диний эътиқодларга, инсонларнинг атроф-муҳит ва табиатга бўлган муносабатига бевосита муштаракдир.

3. Сув материали табиатнинг бебаҳо неъмат, ажойиб композицияларни яратиш имконини берувчи, инсонга эстетик завқ бериши, эмоционал таъсир кўрсата олиши билан ажралиб туради. Шундай экан, сув қурилмаларини лойиҳалашда сувнинг табиий хусусиятларини ҳисобга олиб, ундан унумли фойдаланиш керак. Сувнинг бир неча ҳолатлари: тинч (сув ойнаси) ҳолати, жимирлаб оқиш ҳолати, товуш чиқариб оқиши (шаршара ва шалола) ҳолати, юқорига отилиб, қайтиб тушиш ҳолати (фаввора) каби кўринишлари инсон дилини яйратишини бугунги кунда ёш-у қари яхши тушунишади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1) Рахматова М.М. “Ландшафт дизайни объектларини лойиҳа-лашда сув қурилмаларидан фойдаланишнинг истиқболли йўналишларини тадқиқ қилиш ва таклифлар бериш” диссертация материаллар тўплами. – 2019.
- 2) works.doklad.ru
- 3) studref.com
- 4) Рахимов К.Д. Боғ-паркларни лойиҳалашнинг замонавий йўналишлари, 3-жилд. – Тошкент: “Машҳур-Пресс”, 2017.